

ПЕДАГОГИК ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МЕДИА  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

С.М.Жумабоев

А.О.Отабеков

*ЖДПУ катта ўқитувчилари*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада педагогик олий таълим тизимида медиа технологияларни қўллаш, уларнинг имкониятларини таҳлил қилиш асосида ўқув жараёнини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланган. Шунингдек, педагогик олий таълимда медиа технологияларни жорий этишга илмий асосланган хулосалар тузишда мавжуд бўлган амалиётни ўрганиш, тизимлаштириш ва умумлаштириш орқали таълим соҳасида нафақат муҳим ўрин эгаллаши ва қандай шаклда жорий этилиши бўйича таклифлар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *медиа технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, олий таълим тизими, замонавий таълим, медиа билимлар.*

**Аннотация:** *В данной статье определены приоритетные направления развития образовательного процесса на основе применения медиа технологий в системе педагогического высшего образования, анализа их возможностей. Также были высказаны предложения о том, как и в какой форме внедрение медиа технологий в высшем образовании может занять важное место в сфере образования только путем изучения, систематизации и обобщения существующей практики составления научно обоснованных выводов.*

**Ключевые слова:** *медиа технологии, информационно-коммуникационные технологии, система высшего образования, современное образование, медиа знания.*

Ривожланаётган дунёда таълим бериш ва таълим олиш долзарб масалалардан бирига айланди. Чунки айнан сифатли таълим биз яшаб турган дунёни турли муаммолардан қутқаришда муҳим рол ўйнаши энди ҳеч кимга сир эмас. Шу туфайли давлатлар таълим соҳасига катта маблағ ажратмоқдалар. Бу борада мамлакатимизда ҳам салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шундай бўлишига қарамай таълим тизимимизда ҳали ўз ечимини кутаётган қатор масалалар борки уларни бартараф этмасдан замонавий сифатли таълим ҳақида гапириб бўлмайди. Хусусан ахборот олиш ва фойдаланиш тезлиги жуда йириклашган ҳозирги даврда, фикримизча, таълим тизимига медиа технологияларни жалб этмасдан таълим сифатини ошириш ва ижтимоий фаол ёшларни тарбиялаш мумкин эмас. Биз илгари таълим дастурларини анъанавий усулда маъруза шаклида олиб борганмиз. Бу ҳам йирик хажмли китоблар ва қўлланмалар орқали амалга оширилган. Бу ўз навбатида таълим сифатининг у қадар юқори бўлишини таъминламаган. Ўқувчилар турли қўшимча материалларни ўзлаштириш учун ҳам йирик хажмдаги адабиётлар ва катта қаппайган сумкаларни кўтариб юришга мажбур бўлган. Эндиликда таълимни рақамлаштириш жараёни бошланди. Бу эса таълим олувчига замонавий қулайликлар яратиб таълим олишни

осонлаштирмакда. Медиа технологиялар жорий этилган таълим тизими востилари ролини мультимедиялар, кодоскоп, компьютер, ноутбук, интернетга уланган телевизорлар, телефон линиялар, смарт доска, проекторлар бажариб беради. Бугун улар билан таълим тизимининг қуроллантирилиши ўқувчиларга дарс машғулотларини сифатли ўтилишини таъминлайди. Бугунги пандемия шароити таълим тизимида медиа технологиялар қўлланилиши яхши самара беришини исботлади. Телевидения орқали бериб борилган онлайн дарслар медиа таълимга ўтишнинг бир дебочаси сифатида қабул қилсак бўлади. Бу жараён ўқувчига уйдан чиқмай туриб ҳам таълим олиш мумкинлигини исботлаб берди. Медиа таълимга ўтишнинг бошқа афзалликлари тўғрисида ҳам фикр юритадиган бўлсак уларга қуйидагиларни киритиш ўринлидир. Ўқувчилар хоҳлаган жойида ва хоҳлаган вақтида таълим олиш имконига эга бўлади; - ўқувчилар мутахасис етишмайдиган узок қишлоқларда ҳам фанларни танлаш ва уйдан туриб таълим олиш имконига эга бўлади; - интернетдан ахборот олиш ва ундан фойдаланиш маданияти шаклланади; - таълим тизимини янги босқичга кўтаради; - вақт ва маблағ сарфини кескин камайтиради; - “медиа дунё” да йўқолиб қолмаслик ва яхши иш топишда устунликларга эга бўлади. Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳам интернет тезлиги етарли эмас. Бу эса ўз навбатида медиа таълим тизимига ўтишга тўсқинлик қилади. Буни бартараф этиш учун эса ҳукумат даражасидаги катта ишлар амалга ошириш талаб этилади. Президентимизнинг Олий Мажлисга мурожаатномаларида айни шу соҳада кўрсатмалар берилгани биз фикр юритаётган соҳада сезиларли юксалиш юз беришига ишонтиради[1]. Wi-Fi зоналар IT парклар очилиши медиа таълим тизимини юксалишига хизмат қилади. Медиа таълимнинг жорий этилиши ўқитувчилар орасида ишсизликни келтириб чиқариши эҳтимолини юзага келтиради, аммо буни ҳам бартараф этиш имкони мавжуд. Бунинг учун ўқитувчиларни медиа технологиялар билан ишлаш қобилиятини ўстириш ва интернет орқали турли очик курслар ташкил этиш орқали бандлигини таъминлаш мумкин. Бунда нафақат мамлакатимиздаги балки чет элдаги қатор таълим олувчиларни ҳам жараёнга жалб этиш имкони бўлади. Бу ўз навбатида мустақил маблағ топиш имконини берса иккинчидан ўқитувчини ўз устида кўпроқ ишлаши ва рақобат туфайли таълим сифатини янада ортишига хизмат қилади. Ҳозирги вақтда бунга телеграм каналлари орқали амалга оширилаётган таълимни мисол сифатида келтириш мумкин. Бу каналлар орқали ўзлаштириш кўп вақт талаб этадиган билимлар қисқа муддатда етказиб берилмоқда. Мамлакатда яшаётган барча фуқаролар, жумладан ёш болалардан тортиб нафақахўрларнинг ҳам онгида медиа технологиялар орқали жамиятдаги барча муаммоларни ҳал қилиш мумкин деган фикрни шакллантирмакда. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларининг роботлаштирилиши, масалан банк секторида, роботлар ва ишчилар ўртасидаги рақобат масаласи ҳам кўтарилмоқда. Рақамлардан фойдаланишга асосланган ҳамда жорий этилган технологияларнинг сўзсиз фойдаси билан ахлоқий, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, роботлар ва ташкилотлар ходимлари ўртасидаги рақобатнинг ҳуқуқий

жиҳатлари билан боғлиқ масалалар тобора кўпроқ эътиборга олинмоқда. Шу жиҳатдан, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек “Тараққиётга эришиш учун медиа билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда. Албатта, медиа иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади” [1]. Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам медиа технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин. Баъзи халқаро экспертлар онлайн таълимга тўлиқ ўтиб бўлмаслиги, бу жараёнга муаммоли вазиятдан чиқиш йўли сифатида қараш лозимлигини, акс ҳолда таълим сифати тушиб кетишини таъкидласа, баъзилар замонавий таълим учун янги давр бошланганини эътироф этмоқда. Айрим давлатлар зиёлилари эса масофавий таълимга қамраб олишда таъминот масаласини илгари сурмоқда. Интернет манбаларида хабар берилишича, бугунги кунда атиги ўнга яқин давлатдаги талабаларнинг 95 фоизда компьютер бор. Индонезияда эса 34 фоиз ёшнинг интернетдан фойдаланишга шароити етарли. Қолган давлатларда бу кўрсаткич анча паст. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасида ҳам бу кўрсаткич юқори даражада эмас. Бунга сабаб эса чекка худудларда Интернет инфратузилмасининг яхши ривожланмаганлигидир. Бу эса айрим мутахассислар тахмин қилаётганидек, таълим сифати тушиб кетишига сабаб бўлиши мумкин [2]. Хўш, шу ўринда савол туғилади. Биз рақамлаштиришга тайёрмизми? Хавф-хатарни олдиндан кўра билиш, унинг натижа ҳамда оқибатларини тўғри баҳолай олиш вазиятдан талафотсиз чиқиб кетишни таъминлайди. Дунёда пандемия тарқалиши ортидан мамлакатимизда иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш соҳалари сингари таълим жараёни узлуксизлигини таъминлаш учун ҳам керакли чоралар кўрилди. Бундан ташқари, бир нечта олий таълим муассасалари талабалар ва ўқувчилар учун виртуал таълим тизимларини ишга туширди. “Ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш” ахборот тизими ҳамда HEMIS масофавий таълим платформаси ишга туширилди. Бошқа олий таълим муассасаларининг расмий веб-сайтларида ҳам MOODLE, Platonus, Moodle LMS, SRS (Student Records System), MOOC каби масофавий таълим платформалари ҳамда мобиль телефон ва планшетлар учун Google Classroom, Ereader иловалари ишга туширилиб онлайн дарслар ташкил этилиши бошланди. Шулар қатори, Жиззах давлат педагогика университетида ҳам қисқа муддат ичида “HEMIS ” масофавий таълим платформаси амалиётга жорий этилди. Юртимиздаги нуфузли хусусий ўқув марказлари ҳам замон талабидан келиб чиққан ҳолда онлайн таълимни йўлга қўйди. Бу жараённинг ўзи ҳам мамлакатимиз таълим тизимида янги босқич бошланганини англатади. Сабаби, шу кунгача ҳали ҳеч бир ўқув маркази бундай тартибга ўта олмаётган эди. Таълим тизими бугунги кунда медиа технологияларга сингиб кетаётгани шунчаки ҳайратланарли эмас, чунки,

бугунги кунда ахборот маконида таклиф этилаётган кўплаб нарсаларни жиддий таҳлил қилиш ва педагогик асослаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Сўнги йилларда таълимни “рақамлаштириш” муаммолари, унинг шаклланишига таъсири бўйича бирорбир давлат лойиҳаси ёки сўровнома асосида тадқиқотлар ўтказилмаганлиги ҳам муҳимдир [3]. Шу билан бирга, Интернет тизимидаги муҳитнинг ёшлар онгига таъсирининг аҳамияти ҳукуматнинг, замонавий оммавий ахборот воситаларининг маърузаларида, педагогик жамоатчилик муҳокамаларида, магистрант ва тадқиқотчиларнинг, шунингдек депутатларнинг изланишларида ҳам кўришимиз мумкин. Хулоса сифатида айтиш мумкинки медиа технологияларни таълим тизимига жорий этилиши мамлакат таълим тизимини модернизация қилишда катта рол ўйнайди. Замонавий таълимни ташкил этиш ва таълим самарадорлигини ортишига хизмат қилади. Шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятида муҳим ўрин эгаллашимизни таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси.

2. Шаронин Ю.В. Цифровые технологии в высшем и профессиональном образовании: от личносно ориентированной Смарт-дидактики к блокчейну в целевой подготовке специалистов // Современные проблемы науки и образования. – 2019. – №

3. Абдуллаев М., Саидахор, Г., Аюпов, Р. (2020). Медиа иқтисодиёт - кадрлар тайёрлашнинг долзарб йўналишлари. Архив научных исследований, 1(23).